

Шаҳар ва хизмат кўрсатиш марказларида автомобил йўллари

Худайбердиев А.т.ф.н. доцент., Махмудов Т.Э. магистр.,

Аббосова М.Ш 301-ШҚ ва Х гуруҳи талабаси (СамДАҚИ)

Кўча ва йўллар қадимдан шаклланиб, инсоният тарихида уларнинг жамоа сифатида фаолияти билан боғлиқ равишда ривожланиб келган. Табиий ва тарихий шарт шароитларнинг хусусиятига қараб уларнинг ҳудудий мутаносиблиги шаклланиб борган. Тарихдан маълумки, тахминан эрамиздан 1000 йил олдин қуруқликдаги сунъий йўллар шакллана бошланган. Бунга мисол қилиб қадимги Хитой билан эвропани боғлаган «Буюк ипак йўли» ни келтириш мумкин.

Бугунги кунда замонавий шаҳарларда кўча-йўл тармоғи шаҳар транспорт тизимининг асосини ташкил қилиб, йилдан-йилга уларга қўйиладиган талаблар

ортиб бормоқда.

Шаҳарсозликда транспорт тизими алоҳида ўрин тутати. Транспорт тизими шаҳар аҳолисининг актив ҳаётини таъминлайди ва унинг самардорлигини оширади. Акс ҳолда транспорт тизимисиз айниқса бугунги шаҳар ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Транспорт ва пиёдалар ҳаракатини лойиҳалаш ва уни ташкил этиш - шаҳарнинг меъморий - лойиҳавий ечимида асосий муаммолардан биридир.

Шаҳарда транспорт тизими ер ости ва ер усти транспорт иншоотларидан иборат. Кўчалар шаҳарларнинг дастлабки пайдо бўлиши билан шаклланиб бошлаган.

Шаҳарда транспорт тизимини ташкиллаштириш, шаҳардаги аҳоли зичлигига, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сонига, тарихан шаҳарнинг шаклланишида кўча-йўл тармоғининг қайси схема асосида шаклланганлигига боғлиқдир.

Замонавий шаҳарсозликда транспорт тизимини мақбул ечимини яратиш шаҳарни шакллантиришда асосий рол ўйнайди.

Шаҳарнинг транспорт инфраструктураси, шаҳар таркиби фаолиятини таъминловчи, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ягона транспорт тизимини

ҳосил қилувчи ташқи ва ички транспорт тизими элементларидан иборат бўлади.

Шаҳарнинг транспорт инфраструктураси қуйидагилардан иборатдир:

- аҳолини шаҳарнинг барча режавий таркибларига боришини ва зарурий юкларни ташишни таъминловчи кўча-йўл тармоғи (КЙТ);

- кўча-йўл тармоғидан ташқари (ер ости ва ер усти) даги транспорт тармоғи;
- шаҳар режавий таркибига боғланган ташқи (шаҳарлараро) транспорт;
- транспорт хўжалигига хизмат қилувчи иншоотлар (транспортларни сақлаш ҳаракат таркибини таъмирлаш парклари ва деполари, юкларни қайта ишлаш таянчлари ёки юк тушириш майдонлари, энергетика хўжалиги, вокзаллар ва ҳ.к.).

Шаҳарнинг транспорт инфраструктураси ўз таркибига қуйидагиларни қабул қилади:

1. Барча турдаги ташқи (шаҳарлараро) транспорт: -автомобил йўллари; - темирйўл; - сув транспорти; - ҳаво транспорти; -транзит қувур тармоқлари.

2. Барча турдаги шаҳар транспорти:

а) шаҳар йўловчи транспорти: - автомобил (автобус, микроавтобус, шахсий автомобиллар); - релсли (трамвай); - электр тармоқли кўча (троллейбус); - монорелсли ер усти; - релсли ер ости; -релсли ер усти (электрпоездлари); - сув транспорти.

б) шаҳар юк ташувчи транспорти: - автомобил; - релсли электр (махсус поездлар).

в) шаҳар махсус транспорти: - санитар-техник; - тиббий; - ёнғинга қарши ва ҳ.к.

1- расм. Тураржой туманида транспорт ва пиёдалар ҳаракати тармоғини ташкиллаштириш.

Микрораён, тураржой раёни ва саноат раёнларидаги ички кўча ва йўллар – бинолар гуруҳига ёки алоҳидаги бино ва иншоотларга, маданий- маиший объектларга, дукон, мактаб, боғчаларга, хўжалик майдонларига, ёнғинга қарши

гидрантлар ва бошқа хўжалик ва ҳавфсизлик хизматлари объектларига хизмат

қилади.

Ички йўлларни лойиҳалашнинг асосий техник меъёрлари уларнинг аҳамияти ва ундаги тезликни 30 км/с га мўлжалланади.

Алоҳидаги бино ёки иншоотга, хўжалик майдонига бир томонлама ҳаракатда қатнов қисми 3,5м қабул қилинади. Кўп қаватли тураржой бинолари

гуруҳига икки томонлама ҳаракатда қатнов қисми 5,5 м қабул қилинади.

Боши бурк йўлакларни охирида машиналарнинг орқага қайтиши учун 12х12 дан кичик бўлмаган майдонлар режалаштирилади ва бундан ташқари томонлари 7-м дан кичик бўлмаган учбурчак шаклидаги ёки йўлакнинг ўреа ўқидан радиуси 10 м дан кам бўлмаган доира шаклидаги орқага қайтиш майдонлари режалаштирилади. Уйлар олдида дарахт ва бўталар махсус

(ёнғинга қарши) транспортларга ҳалақит бермайдиган ҳолатда экилади.

Тротуарлар кенглиги камида 1,5 м қилиб, уларнинг бурилиш радиуслари камида 9 м қилиб лойиҳаланади.

Микрораён ичига кирувчи йўлакларнинг бири-биридан оралиғи 300 м дан кам бўлмаслиги керак. Ички йўлаклар сиртида энг кичик ҳисобий кўриниш даражаси 40 м ва қарама- қарши автомобил учун камида 80м, бўйлама нишаблик 80 %о дан ошмаслиги лозим. Тротуарларда - 60%о, майдонларда - 30

%о, автомобиллар сақлаш жойида - 20%о. Алоҳида қийин шароитли ҳолатларда бўйлама киялик 100%о гача оширилиш мумкин.

Тураржой кўчалари ва ички йўлакларни лойиҳалашда асосий муҳандислик

тармоқлари трассасини, майдон релефи ва ташқи сувларни қочиршга алоҳида эътибор бериш лозим. Тураржой кўчалари ва йўлакларни лойиҳалаш турлари,

тураржойларни мажмуаларини жойлаштириш усулларига, ички йўлакларни магистрал кўчаларга боғланиш характерига боғлиқ.

Ички йўлларни жуда узун (100-150 м дан ортиқ) қилиб режалаштириш мақсадга мувофиқ эмас, бу нарса ички йўлларда машиналарнинг иккала томонга ҳаракатини кўпайтириб юборади.

Туман миқёсидаги магистраллар билан бир нечта туташувларга эга бўлган тураржой кўчалари тизими транспорт ҳаракатини сезиларли даражада яхшилайти ва магистраллараро ҳудудда транспорт ҳаракатини камайтиради.

Мураккаб жойлашувга эга бўлган тураржойларда, одатда ички қатнов йўллари битта ёки бир нечта туташувли ёпиқ ҳолатда режалаштирилади.